

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида
2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
I. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш				
1.	2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш” бўлимида назарда тутилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқилишида, қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш.	1. Қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда зарур бўладиган таҳлилий статистик маълумотларни тақдим этиш. 2. Ишлаб чиқилган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш.	2017-2018 йй. давомида	А.Икрамов, Е.Кияткина, Ш.Джанимов, Н.Анваров, Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, Қўмита марказий аппарати бошқармалари
2.	2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш” бўлимида назарда тутилган қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиниши ҳамда кучга кириши муносабати билан уларни белгиланган тартибда давлат статистика органлари фаолиятига жорий этиш.	1. Қонун ҳужжатларини қабул қилиниши муносабати билан уларни барча даражадаги давлат статистика органларига етказиш. 2. Давлат статистика органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва бу борада доимий назорат ўрнатиш.	2017-2018 йй. давомида	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, Қўмита марказий аппарати бошқармалари, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
II. Аҳолининг, шу жумладан статистика ҳисоботларини топширувчи, статистика кузатувларида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш				
3.	Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида давлат статистика органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклиги самарадорлигини ошириш.	1. Коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ижтимоий шериклик механизмларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан давлат статистика органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида келишувлар ва шартномалар тузиш. 2. Давлат статистика органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 3. 2016 йил 7 ноябрдаги 50-сон буйруқ билан тасдиқланган Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг вазифа ва ваколатларидан кенг фойдаланиш.	2017-2018 йй. давомида	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, Жамоатчилик кенгаши аъзолари, О.Қутлиев, ҳудудий статистика бошқармалари
4.	Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган ахборот маълумотларини тайёрлаш ва кенг тарқатиш.	1. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган босма материалларни (плакатлар, рисоалар, буклетлар) тайёрлаш. 2. Тайёрланган материалларни аҳолига, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, давлат статистика ҳисоботини топширувчи субъектлар вакиллари тарқатиш.	2017-2018 йй. давомида	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, О.Қутлиев, ҳудудий статистика бошқармалари
5.	Давлат статистика органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти натижаларини босма ва электрон ОАВ орқали, шу жумладан мавзуга бағишланган дастурларни,	1. Босма ва электрон ОАВ орқали Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат статистика органлари томонидан амалга оширилган ишлар ва тадбирларни ёритиб бориш,	2017-2018 йй. давомида	А.Султанов, К.Кан, Ш.Джанимов, Коррупцияга қарши

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
	чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича семинарлар, давра суҳбатлари, пресс-конференциялар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш йўли билан ёритиб бориш	ҳамда улар тўғрисидаги маълумотларни давлат статистика органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириб бориш. 2. Коррупцияга қарши курашишга оид дастурларни, чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича семинарлар, давра суҳбатлари, пресс-конференциялар ўтказиш.		курашиш бўйича идоравий комиссия, О.Қутлиев, ҳудудий статистика бошқармалари
6.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат статистика органлари мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш.	1. Тизим раҳбар ва ходимлари томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилишга йўл қўймаслик, коррупция ҳолатларини олдини олиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида, уларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамиятини чуқур етказиш бўйича семинарлар ташкил этиш. 2. Ходимлар ўртасида ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда ҳалоллик, ҳолислик, бегаразлик тамойилларига риоя қилиш, ҳар қандай кўринишдаги сансалорлик, ўзибўларчилик, лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини ўтказиш.	2017-2018 йй. давомида (июнь, ноябрь ойларида)	А.Икрамов, Ш.Джанимов, Н.Анваров, Қўмита марказий аппарати бошқармалари, О.Қутлиев, ҳудудий статистика бошқармалари
7.	Давлат статистика органлари ходимларини, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳисобот топширувчи субъектлар мансабдор шахслари ва ходимларини жалб қилган ҳолда, коррупцияга қарши курашиш мавзусида ўқув семинарлари, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиш.	1. Коррупцияга қарши курашиш мавзусида ўтказиладиган тадбирларнинг режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 2. Ўқув семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни тасдиқланган режа-жадвалда белгиланган муддатларда ва юқори савияда ўтказилишини таъминлаш.	2017 йил 10 апрель тасдиқланган режа-жадвалида белгиланган муддатларда	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, Ш.Джанимов, Н.Анваров, О.Қутлиев, ҳудудий статистика бошқармалари

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
8.	Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази томонидан ўтказиладиган малака ошириш курсларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида махсус ўқув дарсларини ташкил этиш.	1. Махсус ўқув дарсларида халқаро ҳужжатлар, халқаро ташкилотларнинг тадқиқотлари натижаларидан кенг фойдаланиш, коррупцияга қарши курашиш борасида ходимлар томонидан риоя қилиниши зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини мунтазам тушунтириб бориш. 2. Дарс жараёнларини мультимедиа воситалари, слайдлар, тарқатма материаллардан кенг фойдаланган ҳолда юқори савияда ўтказиш, шунингдек ўқув материалларини мунтазам равишда янгилаб ва такомиллаштириб борилишини таъминлаш. 3. Ўқув курслари якуни бўйича иштирокчилар билимини махсус тест синовларидан ўтказиш орқали объектив баҳолаб бориш.	доимий	А.Туляганов, Ш.Джанимов, О.Қутлиев
III. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар				
9.	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни талабларини тўлиқ бажариш.	1. Давлат статистика органлари расмий веб-сайтларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш ва такомиллаштириб бориш ҳамда улардаги маълумотларни мунтазам янгилаб ва тўлдириб борилишини таъминлаш. 2. Давлат статистика органлари фаолиятини очиклигини ёритиб берувчи маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш, шу билан бирга Давлат статистика қўмитаси томонидан берилган топшириқларнинг тизим органларида ижро этилиши ҳолатини мунтазам равишда ўрганиш.	2017-2018 йй. давомида	А.Икрамов, А.Султанов, К.Кан, Р.Сотиволдиев, Қўмита марказий аппарати бошқармалари, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
		3. Амалга оширилиши белгиланган вазифалар натижаларини доимий равишда мониторинг қилиш ва комплекс баҳолаш ишларини мувофиқлаштириб бориш.		
10.	Мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини баҳолаш тизимини ва стандартларини, самарадорлик мезонларини белгиловчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг тавсиялари асосида Давлат статистика қўмитасининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини баҳолаш тизимини ва стандартларини, самарадорлик мезонларини белгиловчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ишлаб чиқилган ҳужжатларда белгиланган топшириқларни сўзсиз амалга ошириш ва бу борада қатъий назорат ўрнатиш.	2018 йил 10 апрель	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия
11.	Давлат статистика органлари томонидан ўз фаолиятининг тизимли таҳлилин олиб бориш, коррупция хавфига дучор бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини кўриш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича зарур чораларни амалга ошириш.	1. Давлат статистика органлари томонидан аҳоли қатламлари билан бевосита муносабатга киришадиган соҳалар бўйича таҳлил ўтказиш. 2. Давлат статистика органлари томонидан коррупция хавфига дучор бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш. 3. Тизим ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини кўриш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш.	2017-2018 йй. давомида	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, О.Қутлиев, ҳудудий статистика бошқармалари
12.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг тавсиялари асосида қуйидагиларни назарда тутувчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш	1. Давлат статистика органлари ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижрочиларга етказиш, мавжуд дастурларни	2017-2018 йй. давомида	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, К.Кан,

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
	ва қабул қилиш: - ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан илғор илмий-техник воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан олдини олиш бўйича идоравий назорат механизмларини такомиллаштириш; - одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларига қатъий риоя этиш.	такомиллаштириш, зарур ҳолларда янги дастурлар яратиш чораларини кўриш. 2. Идоравий ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини амалга ошириш ва бу борада назорат ўрнатиш.		Р.Сотиволдиев, Д.Мирбабаева, Ш.Джанимов, Н.Анваров, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари
13.	Давлат статистика органлари ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларини, шу жумладан тренинглари, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш йўли билан ходимлар ўртасида тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	1. Одоб-ахлоқ қоидалари, нормалари ва талабларини Давлат статистика органлари ходимлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва ижрочиларга етказиш. 2. Чора-тадбирлар режасида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва юқори савияда ўтказиш.	чора-тадбирлар ишлаб чиқиш - 2017 йил 1 июль. ижро - 2017-2018 йй. давомида	А.Икрамов, Ш.Джанимов, Д.Мирбабаева, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари
14.	Давлат статистика органларида молия-хўжалик фаолиятини ташкил этилишини, бухгалтерия ҳисобини амалдаги меъёрлар ва тартиб-қоидалари асосида тўғри ва тўлиқ юритилишини, бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш ва бу борада мунтазам равишда таҳлилий-назорат ишларини олиб бориш, шунингдек бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлаш жараёнларининг шаффофлигини ҳамда уларнинг тақсимооти бўйича маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш.	1. Молиявий назорат институтларининг, жумладан ташқи аудитнинг самарали хизматидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мунтазам фойдаланиб бориш. 2. Давлат статистика органлари томонидан харидларни амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ амал қилинишини, электрон савдо тартиби қоидалари асосида харидларни амалга оширилишини, уларнинг натижаларини белгиланган тартибда электрон савдо тартиби орқали эълон қилинишини, савдо қатнашчилари томонидан савдо натижалари бўйича берилган шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлаш.	2017-2018 йй. давомида	А.Икрамов, Х.Саггаров, У.Кулмурадов, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
		3. Электрон савдоларда коррупциявий ҳолатларни олдини олиш мақсадида, электрон савдолар бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари, электрон савдолар тизими қоидалари юзасидан тизимнинг тегишли ходимларини малакасини ошириш чораларини кўриш. 4. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 июлдаги 242-сон қарори асосида қабул қилинган ““Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” акциядорлик жамиятининг махсус ахборот порталида давлат ва корпоратив харидлар бўйича ахборотни жойлаштириш ва ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига тўлиқ риоя қилиб бориш.		
15.	Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш.	1. Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини коррупциявий нормаларнинг, коррупциявий ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфларнинг мавжуд бўлишини олдини олиш мақсадида, уларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш. 2. Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалар бўйича коррупцияга қарши экспертиза натижалари тўғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтга жойлаштириб бориш.	2017-2018 йй. давомида	Н.Анваров, Е.Кияткина, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
16.	Давлат статистика органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, интерактив давлат хизматларининг кўламини янада кенгайтириш.	1. Давлат статистика органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ва интерактив давлат хизматларини таҳлил қилиш ҳамда таҳлил натижаларини муҳокама қилиш. 2. Давлат статистика органлари томонидан кўрсатиладиган давлат интерактив хизматларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш. 3. Тизим органларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва бу борада назорат олиб бориш.	доимий	К.Кан, Р.Сотиволдиев, А.Султанов, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари
IV. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш				
17.	Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, “ишонч телефонлари” ва расмий веб-сайтлар орқали келиб тушган ҳамда давлат статистика органлари раҳбарларининг шахсий қабулларида, жойларда ташкил этиладиган сайёр қабулларда берилган мурожаатларни тизим органлари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари асосида рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш.	1. Мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан мурожаатларни қонун ҳужжатларига хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш ҳамда мурожаатларни кўриб чиқишни бошқача тарзда бузиш ҳолатларига йўл қўйилишини олдини олишни таъминлаш. 2. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолатини мунтазам равишда таҳлил этиб бориш. 3. “Ишонч телефонлари” ва расмий веб-сайтларнинг узлуксиз ишлашини ҳамда давлат статистика органлари раҳбарларининг шахсий қабуллари, жойларда ташкил этиладиган сайёр	2017-2018 йй. давомида	У.Кулмурадов, К.Кан, Д.Қирғизов, Ш.Джанимов, А.Султонов, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
		қабуллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш. 4. Мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги белгиланган вазифа ва топшириқларни тизим органлари томонидан сўзсиз бажарилишини назорат қилиш. 5. Бу борада давлат статистика органлари томонидан амалга оширилган ишлари натижаларининг танқидий муҳокамасини ташкил этиб бориш ҳамда хато-камчиликларга йўл қўйган масъул раҳбар ва ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўриш. 6. Мазкур соҳада давлат статистика органлари фаолиятини баҳолаш ва натижаларини расмий веб-сайтларда эълон қилиб бориш.		
18.	Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан берилган сўровлар асосида давлат статистика органлари фаолияти тўғрисида маълумотларни тақдим этувчи масъул раҳбарлар ва ходимлар учун доимий равишда ўқув-семинарлар ўтказиб бориш.	1. Ахборотдан фойдаланувчилар томонидан берилган сўровлар асосида давлат статистика органлари фаолияти тўғрисида маълумотларни тақдим этувчи масъул раҳбарлар ва ходимлар учун ташкил этиладиган ўқув-семинарлар режа-жадвалини ишлаб чиқиш. 2. Ўқув-семинарларни тасдиқланган режа-жадвали асосида ўтказиш, бунда асосий эътиборни сўровларга қўйиладиган талаблар, уларни кўриб чиқиш муддатлари, сўровларга жавобларни расмийлаштириш ва тақдим этиш талабларини тушунтиришга қаратиш.	2017 йил 15 март 2017-2018 йй. давомида	А.Султонов, У.Кулмурадов, К.Кан, О.Қутлиев, худудий статистика бошқармалари
V. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, тадқиқотлар ўтказиш				
19.	Худудий статистика органлари ҳамда Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида коррупцияга қарши курашиш бўйича	1. Барча даражадаги статистика органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган	2017-2018 йй. давомида	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия,

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
	идоравий комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар, шунингдек Давлат статистика қўмитаси, унинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияси томонидан белгиланган вазифа ва топшириқларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш.	вазифалар, шунингдек Давлат статистика қўмитаси, унинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияси томонидан белгиланган вазифа ва топшириқларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш. 2. Мониторинг натижаларини доимий равишда таҳлил қилиб бориш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш.		О.Кутлиев, худудий статистика бошқармалари
20.	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида коррупциянинг ҳолатини, унинг жиҳатларини, кўламини, ўсиш суръатларини ҳамда тенденцияларини, шунингдек статистика тизимида коррупция ҳолатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва унинг натижалари бўйича тизим органларида коррупция даражасини пасайтириш усуллари излаш мақсадида, давлат статистика органлари расмий веб-сайтлари орқали жисмоний ва юридик шахслар ўртасида сўровлар ўтказиш, сўров натижаларининг муҳокамасини ташкил этиш ва бу борада қўшимча чора-тадбирларни белгилаш.	1. Давлат статистика тизимида коррупция ҳолатларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш борасида сўровномалар тайёрлаш. 2. Тайёрланган сўровномалар асосида Қўмита расмий веб-сайти орқали жисмоний ва юридик шахслар ўртасида сўровлар ўтказиш. 3. Сўровлар натижалари бўйича якуний маълумотларни муҳокама қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаш.	2017-2018 йй. давомида (ҳар йили сентябрь ойида)	Ш.Джанимов, К.Кан, Е.Кияткина, худудий статистика бошқармалари
21.	2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ ҳажмда бажариш юзасидан амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини муҳокама ва таҳлил қилиш, келгусида ушбу соҳада ташкилий-амалий ва ҳукукий механизмларнинг самарадорлигини ошириш бўйича зарур чораларни кўриш.	1. Ҳар чорак якунлари бўйича амалга оширилган ишларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш. 2. Қўмита ва худудий статистика органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияларининг йиғилишларида ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар натижаларини муҳокамасини ташкил этиш ҳамда келгусида амалга ошириладиган зарур вазифаларни белгилаб олиш.	2017-2018 йй. давомида, ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия, Ш.Джанимов, О.Кутлиев, худудий статистика бошқармалари